

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

РАИС ҚАРОРИ

(КЎЧИРМА)

31.01.2026 й.

№ 64

Тошкент ш.

Илмий даража берувчи илмий кенгаш тузиш тўғрисида

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом»га асосан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг (9.01.2026 й, № 17/17-4/4-54927) мурожаатига кўра ОАК Филологик тадқиқотлар бўйича эксперт кенгаши тавсиясига (24.01.2026 й., № 1) мувофиқ ОАК Раёсатининг 2026 йил 31 январдаги 381/2-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

1. Тошкент Кимё халқаро университети ҳузурида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тузилсин ва мазкур илмий кенгашнинг рақами PhD.03/2026.31.01.Fil.29.05 деб белгилансин.

2. Тошкент Кимё халқаро университети ҳузуридаги PhD.03/2026.31.01.Fil.29.05 рақамли илмий кенгашга қуйидаги ихтисослик бўйича диссертациялар ҳимоясини ўтказишга рухсат берилсин:

10.00.11–Тил назарияси. Амалий ва компьютар лингвистикаси.

3. Тошкент Кимё халқаро университети ҳузуридаги PhD.03/2026.31.01.Fil.29.05 рақамли илмий кенгашнинг 9 кишидан иборат таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. PhD.03/2026.31.01.Fil.29.05 рақамли илмий кенгаш ва муассаса мазкур илмий кенгаш таркибини бундан буён янгилаб боришда аъзоларининг Хирш (h-индекси) индекси, Q1 ва Q2 даражасидаги журналларда мақолалари чоп этилиши, гендер тенглиги ва хорижий олимларни жалб этиш масалаларини эътиборга олсин ҳамда ИК таркиби янгиланишига кўра ҳар бир ўзгаришни 2 иш куни ичида “Илмий даражалар комплекс-таҳлилий ахборот тизими”нинг “илмий кенгаш таркиби” бўлимига киритилишини таъминласин.

5. Тошкент Кимё халқаро университети ҳузуридаги PhD.03/2026.31.01.Fil.29.05 рақамли илмий кенгаш ўз фаолиятини олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом» талабларига мувофиқ ташкил қилсин.

Раис

А.Т.Юсупов

